
БАҒДОДДА ЯНА БИР КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бағдод туманининг “Каримбобо” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашиб, кўп йиллардан буён самарасиз фойдаланиб келинган боғ майдони негизида кичик саноат зонаси ташкил этилди. 1,5 гектар майдон 20 та лотга ажратилди ва саноат йўналишида фаолият юритувчи маҳаллий тадбиркорларга бўлиб берилди. Маҳалла раиси Абдумалик Узоқовнинг маълум қилишича, ҳудудда 35 нафар тадбиркор мавжуд бўлиб, уларнинг 16 нафари ўз хонадонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан машғул.



Ғайратжон Солиев – 10 йилдан бери ўз хонадонидан темирчилик билан шуғулланади. Кичик устахонадан кун бўйи эшитилаган “тарақ-туруқ” кимнинг ҳам қулоғига хуш ёқади, дейсиз. Тўғри, қўни-қўшни аҳил-иноқ, лекин Ғайратжон қўлидаги болғани сандонга минг хижолатда уради: қўшним азият чекмаяптими, деган андишада.

Икки ҳафта олдин туман ҳокими Восилжон Назаров ушбу маҳаллада аҳоли билан учрашган ва асосий масала – тадбиркорлар учун ер майдони ажратиш имконияти хусусида бўлган эди. Шундан сўнг ҳудуддаги бўш ва самарасиз ер майдонлари хатловдан ўтказилди. Натижада, “Андижон-Тошкент” қатнов йўлининг шундоққина биқинида янги кичик саноат зонасига асос солинди.



Туман ҳоқими ва сектор раҳбарлари тадбиркорлар билан бирма-бир суҳбатлашиб, келгусида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, уларга бўлган талаб ҳамда яратилажак иш ўринлари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Маълум бўлишича, таклиф этилаётган лойиҳалар тўлиқ қувватда иш бошлагач, қишлоқдаги ёшларнинг 115 нафари доимий иш билан таъминланади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-03-20 18:33:37